Шош шахри тўкинлиги, ширин суви, мўътадил иклими, мунтазам ёмгирлари, бог ва экинзорлари билан шухрат топган йирик мусулмон шахарларидан биридир. Ривоят килишларича, кандайдир мажусий турклар шахарни тунда босиб олади ва фурсат ўтказмай уруш олиб бориладиган жойларни белгилаб кўйишни режалайди. Тонгга якин улар атрофдаги миноралардан таркалаётган аллакандай овозларни эшитиб колишади. Бунинг нималигини сўрашганида муаззинлар эрталабки намозга азон чакиришяпти, деган жавобни олишади. Тонг отгунча шахарнинг хамма жойидан басма-басига азон товушлари эшитилиб турди. Унда (Шошда) тўрт минг жомеъ масжиди бор эди, хар бир жамоа олтмиш ёки етмиш хонадоннинг одамларидан иборат эди. Улар бу хабарни эшитиб, вахимага тушишади ва шарманда бўлмай туриб кочиб колишни афзал кўришади. Бунга Шош муаззинларининг туни билан сергак холда тўхтовсиз азон чакирганлари сабаб бўлди. (Абул Фазл Жалолиддин Карший, «Мулхакот ас-сурах», кўлёзма, 98-бет).